

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАРУНИВЕРСИТЕТИ



**5410300 – Ўсимликлар ҳимояси ва карантини йўналиши
таълим йўналиши негизидаги:**

- 5A410301 - Ўсимликлар ҳимояси (усуллари бўйича),
- 5A410302 – Энтомология,
- 5A410303 – Фитопатология,
- 5A410304 - Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат,
- 5A411501 - Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

карантини

**магистратура мутахассисликларига кирувчилар учун махсус
(ихтисослик) фанларидан**

ДАСТУР

Тошкент-2020 й.

Аннотация:

Дастур 5А410301 - Ўсимликлар химояси (усуллари бўйича), 5А410302 – Энтмология, 5А410303 – Фитопатология, 5А410304 - Ўсимликлар химоясида мониторинг ва башорат қилиш, 5А411501 - Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини магистратура мутахассисликларига кировчилар учун 5410300 – Ўсимликлар химояси ва карантини таълим йўналишининг 2016-2017 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилди.

ТУЗУВЧИЛАР:

- У.Д. Ортиқов - ТДАУ, Ўсимликлар химояси, агрокимё ва тупроқшунослик факультети декани, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент
- А.Р. Анорбаев ТДАУ, “Ўсимликларни химоя қилиш” кафедраси мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
- У.Х. Рахимов - ТДАУ, “Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлар карантини” кафедраси мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор
- У.Н. Рахмонов - ТДАУ, “Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси” кафедраси мудири, доцент

Дастур Ўсимликлар химояси, агрокимё ва тупроқшунослик факультетининг 2020 йил 23 июндаги № 12 сонли Кенгаш йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

КИРИШ

5410300 – Ўсимликлар ҳимояси ва карантини бакалаврият таълим йўналиши – қишлоқ хўжалиги экинларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш учун биринчи навбатда зарарли организмларнинг тур таркибини тўғри аниқлаш, уларнинг биологияси ва экологик факторларга талаблари, ривожланиши, тарқалиши, бир мавсумдан иккинчисигача қандай сақланиши ҳақидаги ва бошқа маълумотларга эга бўлиш ва шулар асосида қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилишнинг самарали усулларини билиш ва уларни тўғри муддатларда қўллаш лозим бўлади. Бунинг учун шу соҳага тегишли фанларни, жумладан юқорида келтирилган маълумотларни чуқур ўзлаштирган, экинларда учрайдиган зараркунанда ва касалликларнинг тур таркиби ва карантин зарарли организмларни тўғри аниқлай оладиган, самарали кураш чораларини аниқ биладиган ва уларни ўз вақтида қўллашни ташкил қила оладиган малакали мутахассислар тайёрлаш таълим тизимининг негизи ҳисобланади.

Таълим йўналиши негизидаги мутахассисликларнинг вазифаси - қишлоқ хўжалик экинларига зарар етказувчи зараркунанда ва касалликларнинг миқдори, зарарли турлари, зарар етказиши, биологик, экологик хусусиятларини, ўсимликларни зараркунанда ва касалликларига аниқ ташҳис қўйиш, уларни ҳисобга олиш усулларини ўрганиш ва зарарли организмларни келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, кўзгатувчиларни турлар таркибини аниқлашдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, ўсимликлар ҳимояси ва энтомологик жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажарад Бунда, илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда билимларни ошириш ва кўникма ҳосил қилишдан иборатдир.

5A410301 - Ўсимликлар ҳимояси (усуллари бўйича), 5A410302 – Энтомология, 5A410303 – Фитопатология, 5A410304 - Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат қилиш, 5A411501 - Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини, магистратура мутахассисликларига кирувчилар учун 5410300 – Ўсимликлар ҳимояси ва карантини таълим йўналишининг магистратура мутахассисликларига кирувчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан 5 та ихтисослик фанлари бўйича: “Қишлоқ хўжалик энтомологияси”, “Қишлоқ хўжалик фитопатологияси”, “Ўсимликларни зараркунанда организмлардан уйғунлашган ҳимоя қилиш”, “Карантин зараркунандалари ва касалликлари”, “Ўсимликлар иммунитетини” тест саволлари шакллантирилган.

Бу фанлар ўз негизда қамраб олинган маълумотлар қуйида батафсил келтирилган.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭНТОМОЛОГИЯСИ

фани бўйича:

Қишлоқ хўжалиги энтомологияси фанига кириш. Зараркунандаларга қарши курашнинг асосий усуллари. Қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг карантини. Ҳаммахўр зараркунандалар, термитлар ва уларга қарши кураш. Ғўзанинг сўрувчи ва кемирувчи зараркунандалари уларга қарши кураш чоралари Ғўзанинг карантин зараркунандалари. Бошоқли дон экинлари зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари. Шоли зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари. Мойли экинларнинг зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари. Дуккакли-дон экинлари зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари. Ем-хашак экин зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари. Итузумгулдош сабзавот экинларининг зараркунандалари ва қарши кураш чоралари. Бутгулдош сабзавот экинларининг зараркунандалари ва қарши кураш чоралари. Пиёз, саримсоқпиёз ва сабзи зараркунандалари. Полиз экинларининг зараркунандалари ва қарши кураш чоралари. Картошка экинларининг зараркунандалари ва қарши кураш чоралари. Мевали экинларнинг сўрувчи зараркунандалари ва кураш чоралари. Мевали экинларнинг мева зараркунандалари ва кураш чоралари. Мевали экинларнинг барг ва поя зараркунандалари. Мевали экинларнинг карантин зараркунандалари. Ток экинининг зараркунандалари ва кураш чоралари. Субтропик экинларининг зараркунандалари. Манзарали ва ўрмон дарахтларининг зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари. Тут зараркунандалари ва кураш чоралари.

ЎСИМЛИКЛАРНИ ЗАРАРКУНАНДА ОРГАНИЗМЛАРДАН УЙҒУНЛАШГАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

фани бўйича:

Ўсимликларни зараркунанда организмлардан уйғунлашган ҳимоя қилиш фанининг мақсади ва вазифаси, зарарли организмларни қишлоқ хўжалик экинларига етказаетган зарари, қарши кураш усуллари. Зарарли организмларга қарши чидамли навларни жорий этишнинг уйғунлашган ҳимоя қилишда аҳамияти. Уйғунлашган ҳимоя қилишда кимёвий усулнинг қўлланиши. Кимёвий усулнинг афзаллиги ва камчиликлари. Пестицидларни кимёвий таркиби, қўлланиш объектлари ва организмга қараб таснифланиш. Зарарини камайтириш йўллари. Замонавий пестицидларга бўлган талаблар.

Зараркунандаларга касаллик кўзғатувчиларига ва бегона ўтларга қарши қўлланиладиган пестицидлар. Агротехник кураш усулининг моҳияти. Агротехник тадбирларни зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларни йўқотишдаги ўрни. Уйғунлашган ҳимоя қилишда агротехника тадбирларни аҳамияти. Зарарли организмларга қарши биологик кураш усулини қўллашнинг моҳияти ва йўналишлари. Уйғунлашган ҳимоя қилишда биологик ва генетик усуллардан фойдаланиш. Биомахсулотларни биолабораторияда кўпайтириш технологиялари. Физик усулнинг моҳияти. Механик усулнинг моҳияти. Генетик усулнинг моҳияти ва қўлланилиши. Карантин ва генетик кураш усулининг моҳияти. Карантин турлари. Карантин тўғрисидаги қонуннинг қўлланилиши. Ғўзада учровчи асосий зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши кураш тизими. Ғалла экинларида учровчи асосий зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши кураш тизими. Дон дуккакли экинларда учровчи асосий зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши кураш тизими. Ем хашак экинларида учровчи асосий зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши кураш тизими. Сабзавот ва полиз экинларида учровчи асосий зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши кураш тизими. Мевали боғларда учровчи асосий зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши кураш тизими. Токда учровчи асосий зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши кураш тизими. Цитрус ўсимликларида учровчи асосий зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши кураш тизими.

КАРАНТИН ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ВА КАСАЛЛИКЛАРИ

фани бўйича:

Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ва қоидалари. Мамлакатимизда ўсимликлар карантини хизматининг тарихи, унинг ташкил этилиши, тузилиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб келишда ва четга чиқаришда халқаро ҳамкорлиги, карантин организмларни келиб қолиш йўллари, назорат усуллари. Ўзбекистон Республикаси карантин хизматининг таркибий тузилиши. Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматини ўрганиш ва уни бекор қилиш тартиби. Уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларининг импорт ва экспорт қилиш. Ғўзани карантин зараркунандалари. Ғўзани карантин зараркунандаларини тарқалиши, биологик хусусиятлари, аниқланиш белгилари ва қарши кураш усуллари. Ғалла ва дон дуккакли ўсимликларни карантин зараркунандалари. Дуккакли ўсимликларни зараркунандаларини экспертиза қилиш усуллари. Сабзавот экинларини карантин зараркунандалари. Полиз экинларини карантин

зараркунандалари. Картошкани карантин зараркунандалари. Сабзавот экинлари зараркунандаларини экспертиза қилиш усуллари. Картошканинг карантин зараркунандалари тарқалиши, биологик хусусиятлари, аниқланиш белгилари ва қарши кураш усуллари. Мевали боғларни карантин зараркунандалари. Мевали дарахтларнинг карантин зараркунандалари тарқалиши, биологик хусусиятлари, аниқланиш белгилари ва қарши кураш усуллари. Ғўзанинг карантин касалликлари. Ғўзанинг антракноз касаллиги. Антракноз турлари, биологик аҳамияти, тарқалиши. Техас илдиз чириш. Касалликни ташқи белгилари. Тарқалиш йўллари. Касаллик қўзғатувчининг биологик аҳамияти карантин тадбирлар. Бошоқли дон ва дуккакли дон экинларининг карантин касалликлари. Буғдойнинг ҳинд қоракуяси. Буғдойнинг сариқ шилимшиқ бактериоз касаллиги. Шоли баргларининг бактериял куйиши. Маккажўхорининг бактерияли сўлиши. Касаллик белгилари, қўзғатувчиларнинг биологияси, тарқалиши, зарари. Карантин тадбирлар. Мевали дарахтлар ва токнинг карантин касалликлари. Мевали дарахтларнинг бактериал куйиш касаллиги. Олхўрининг чечак касаллиги. Токнинг бактерияли сўлиши. Касаллик белгилари. Тарқалиши. Карантин тадбирлари. Цитрус экинларининг карантин касалликлари. Цитрус экинларининг рак касаллигини белгилари. Тристеца – цитрус экинларининг тез нобуд бўлиши. Касалликни ташқи фарқ қилувчи белгилари. Анализ усуллари. Комплекс кураш чоралари. Картошканинг карантин касалликлари. Картошканинг рак касаллиги. Касалликни пайдо бўлиш шакллари. Зарари. Тарқалиши. Касаллик қўзғатувчининг ички тур ўзгариши. Рак касаллигига қарши системали кураш чораларини қўллаш. Лавлагининг карантин касалликлари. Лавлагининг кумуш ранг доғланиш касаллиги. Касаллик белгилари. Касаллик қўзғатувчиларининг биологик аҳамияти. Тарқалиши. Инфекция манбалари. Кураш чоралари. Гулларнинг карантин касалликлари ва карантин материалларини зарарсизлантириш усуллари. Хризантеманинг аскохитоз касаллиги. Хризантеманинг оқ занг касаллиги. Гвоздиканинг бактерияли сўлиши (вилт). Гиоциннинг сарғайиш касаллиги. Гиоцин пиёзларининг касалликларининг фузариоз билан ўхшашлиги ва фарқлари. Касаллик қўзғатувчиларнинг биологик аҳамияти. Касаллик белгилари. Кураш чоралари. Карантин материалларини зарарсизлантириш усуллари. Карантин ости маҳсулотларни зарарсизлантириш технологияси. (кўчат ва уруғларни зарарсизлантириш, сабзавот, мева ва картошкани зарарсизлантириш). Асосий тушунча (кузатиш, экспертиза, партия, ўртача намуна, хужжат – намуна). Кузатиш турлари. Кузатишнинг асосий қоидалари.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФИТОПАТОЛОГИЯСИ фани бўйича:

Ғўза касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Ғалла донли экинларнинг касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Беда касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Тола олинадиган ўсимликлар касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Мой олинадиган ўсимликлар касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Лавлаги касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Картошка касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Картошка касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Картошка касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Карам касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Сабзи касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Пиёз ва саримсоқ касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Кўкатлар касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Полиз экинлари касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Уруғ мевали дарахтлар касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Данак мевали дарахтларнинг касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Ток касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Цитрус экинлар касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Ёнғоқ мевали ўсимликларнинг касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Манзарали дарахтлар ва гулларнинг касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Тут касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари

ЎСИМЛИКЛАР ИММУНИТЕТИ фани бўйича:

Ўсимликлар иммунитет таълимотининг юзага келиш тарихи ва ривожланиши. Микроорганизмларнинг паразитлик турлари, патогенлик механизмлари. Ўсимликлар иммунитети категориялари. Ўсимликларнинг физиологик ва биохимик хусусиятларининг иммунитетдаги аҳамияти. Патологик жараён, ўсимликларни химояланиш механизмлари, фагоцитоз. Ўсимликларнинг ҳаёт давомида ҳосил бўлган иммунитет, касаллик кўзғатувчи организмларнинг ихтисослашув ва ўзгарувчанлиги. Ўсимлик ва касаллик кўзғатувчилар орасидаги ўзаро муносабат генетикаси. Ўсимликларнинг ҳашаротларга иммунитет хусусиятлари. Ўсимликларни касалликларга чидамли навларини етиштиришда иммунитет хусусиятларининг аҳамияти, ўсимликларни касалликларга чидамлилигини баҳолаш. Ўсимликлар иммунитет хусусиятларининг селекция соҳасидаги ютуқлари ва муаммолари.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.М.Мирзиёев. Олий Мажлисга Мурожаатнома, Тошкент, 2020 йил 24 январ.
2. Ш.М.Мирзиёев “Буюк келагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз”.- Тошкент: - “ Ўзбекистон”, 2017 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
4. Agrios G. N. Plant pathology. 5th ed. Elsevier, 2008, xviii + 922 pp.
5. Алимухамедов С.Н., Хужаев Ш.Т. - Ғўза зарақунандалари ва уларга қарши кураш (Дарслик) - Т. 1991.-94-78 б.
6. Болтаев Б.С. Бўриев Х.Ч., Ғофурова Л.А. - Ғўзани зарарқунандалардан уйғунлаштирилган тарзда ҳимоя қилишда биологик усулнинг қўлланиши. Кўргазмали қўлланма. Тошкент, 2002. -26 бет.
7. Болтаев Б., Турсунов И.- Қишлоқ хўжалик экинлари зарарқунанда касаллик ва бегона ўтларга қарши кураш чораларини ўтказиш бўйича қўлланма (тавсиянома) Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази. Самарқанд, 2008 й. -14бет.
8. Болтаев Б. Худудий агрономлар назаратчилар ва биолоборатория ходимлари учун қўлланма (тавсиянома) Самарқанд Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази 2008 й - 8 бет.
9. Кимсанбоев Х.Х. ва бошқалар. Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1997, 279 б.
10. Кимсанбоев Х.Х. ва бошқалар. - Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси. (Дарслик) Тошкент 2002. -87 б.
11. Кимсанбоев Х.Х., Халилов К- ва бошқалар - Ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш. "Нур" нашриёти. Тошкент, 1998. Услубий қўлланма. -45-бет.
12. Кимсанбоев Х.Х., Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С. Защита паслёновых овощных культур и картофеля от вредителей и болезней. (пособие для фермеров) қўлланма Тошкент 2013 й.
13. Пересыпкин В.Ф.. “Сельскохозяйственная фитопатология”. Колос, М., 1988.
14. Интегрированная защита растений от вредителей и болезней в Восточной Европе и на Кавказе Будапешт, 2017.

15. Сулаймонов Б.А. и др. Вредители и болезни бахчевых и тыквенных овощных культур и меры борьбы с ними. Ташкент, 2016, ТошДАУ нашр тахририяти бўлими, с 176.

16. Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С., Комилов Ш Қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалари, касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари (услугий қўлланма) Фермерлар учун қўлланма Тошкент 2013 й.

17. Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С. ва бошқ. Вредители и болезни бахчевых и тыквенных овощных культур и меры борьбы с ними. Учебное пособие Тошкент 2016 й.

18. Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С., Комилов Ш.Г. Қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалари, касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари (услугий қўлланма) Фермерлар учун қўлланма. Тошкент 2013 й.- 32 б

19. Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С. ва бошқ. Қишлоқ хўжалик энтомологияси ва карантин асослари фанидан лаборатория машғулоти. Ўқув қўлланма Тошкент 2014 й.

20. Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С. ва бошқ. Боғ, токзор ва дала экинларининг зараркунанда, касалликлари ҳамда уларга қарши кураш усуллари. Монография Тошкент 2018 й.

21. Тўракулов Х.С., Бабоев С.К., Гулмуродов Р.А. Бугдойнинг занг касалликлари. Тошкент, 2015, “NAVROZ” нашриёти, 119 б.

22. Ҳасанов Б.А., Сафаров А.А. Ёнғоқ дарахтининг касалликлари. Тошкент, 2019, ТошДАУ нашр тахририяти бўлими, 155 б.

23. Ҳасанов Б.А. Микология. Тошкент, 2019, ТошДАУ нашр тахририяти бўлими, 503 б.

24. Ҳасанов Б.А. Қишлоқ хўжалик экинларининг касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Тошкент, 2011, ТошДАУ нашр тахририяти бўлими, 207 б.

25. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Гўзани зараркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш. Тошкент, 2002, 379 б.

26. Ҳасанов Б.А., Очилов Р.А., Гулмуродов Р.А. Сабзавот, картошка ҳамда полиз экинларининг касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент, 2009, 244 б.

27. Хамраев А.Ш., Бекчанов Х.У., Абдуллаев И.И., Кожевникова А.Г – Хашаротлар туркумланини аниқлагич жадвали юзасидан услубий қўлланма. Урганч-2008.

28. Холмуродов Э., Болтаев Б. ва бошқ.- Умумий Энтомология, ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган химоя қилиш ва зоология асослари. (Ус.қўлланма). ТошДАУ нашр тахририяти. Тошкент,2012

29. Хўжаев Ш.Т. “Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини химоя қилиш ва агротоксикология асослари. Тошкент, “Фан”. 2016. (дарслик).

30. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Мевали ва ёнғоқ мевали дарахтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент, 2010, 316 б.

31. Ҳасанов Б.А., Очилов Р.О., Бойжигитов Ф.М. Мевали дарахтларнинг монилюоз касалликлари. Тошкент, 2019, “NISO POLIGRAF”, 167 Б.

32. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Ўсимликларнинг карантин касалликлари. Тошкент, 2019, 260 б.

33. Юсупов А.Х., Кимсанбоев Х., Б Сулаймонов Б- Боғ зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари (ўқув қўлланма) Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. Тошкент 2007 й. -95 бет.

34. Ўсимликларни зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент, 2000.

